O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 15 март ШАНБА

№ 21 (12.032)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz



# ҚОЗОНГА СУМАЛАК ТУШДИ – НАВРЎЗ ЯҚИН

Баҳор... Кўклам... Наврўз... Уйғониш... Жонланиш... Ёшариш...

Одамзотнинг юрагига, қалбу шуурига нақадар яқин, туташ, уйқаш каломлар. Йил йўқки, инсонлар бу фаслни интиқлик билан кутишмасин. Айниқса, бу йилги қишнинг ҳаддан зиёд қаҳри ва узоқ чўзилганлиги жамики табиат муждаларига илиқлик бахш этадиган беназр фаслнинг қадрини ўн чандон ошириб юборди.

Муболаға эмас – одамлар бу йилги баҳорни ҳар қачонгидан ҳам орзиқиб, интиқиб, интилиб кутдилар. Ниҳоят, фасллар келинчаги Баҳорой, Кўкламой, Наврўзой юртимизга ташриф буюрди. У нафақат юртимизга, балки юртдошларимиз қалбига ҳам илиқлик, янги ният, янги орзу, ўзгача куч-ғайрат олиб кирди. Одамлар дала ва боғларига, бепоён қир-адирларга, сою сайҳонларга ошиқишяпти.

Асл деҳқонлар кўпдан бери соғинган далаларига турли экин уруғ ва кўчатларини қадаганларига анча бўлди. Боғбону соҳибкорлар боғ ва токзорларда завқ билан бўлажак ҳосилга замин яратишга киришдилар.

Ҳар бир хонадон, кўча, маҳалла, гузар, истироҳат боғлари, қўйингки, одамлар қадами узилмайдиган жойларда тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, айниқса, кўклам ва Наврўзга ярашиқли анъанавий ҳашарлар ҳам аллақачон бошланиб кетган.

Энди навбат аслида кўҳна, аммо ҳеч қачон эскирмайдиган энг ёқимли, энг севимли, бир кунлик эмас, бир неча кун давом этадиган миллий байрамимиз – Наврўзи олам билан боғлиқ халқ удумларига, расм-русумларга, сайлларга.

Ҳа, Наврўз – ўз номи билан янги кун, йилбоши. Бундай кезда, кайвони аёлларимиз тили билан айтганда, «ким ҳам уйида кўмилиб ўтирарди». Яшил бахмалдан либос кияётган қир-адирлар кўз сузиб, қош қоқиб, ҳаммани табиат қўйнига ундамоқда.

Дарҳақиқат, вилоятимизда Наврўз тантаналари, халқ сайллари Оҳангарон воҳаси кенгликларидан бошланганлиги ҳақида таҳририятимизга дастлабки хушхабар келди. Бир томонда дошқозонларда Наврўз таомлари – ҳалиму сумалаклар қайнаяпти. Пазанда аёлу келинчаклар енг шимариб, кўк сомсаю чалпак пиширишяпти. Иккинчи томонда халқ ўйинлари – чиллак, кураш, тош кўтариш, от пойгаси, қизқувди. Юқоричирчиқ туманидан ташриф буюрган дорбозларни тумонат ишқибозлар ўраб олишган. Маҳаллий фольклор ансамбллари театрлаштирилган томошалар – келин салом, бешик тўйи ва бошқа турли удумлар, расм-русумларни миллий ашула ва рақслар жўрлигида намойиш этмоқда.

Бу – бошланиши. Халқимизнинг севимли байрами тантаналари вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳали узоқ давом этади.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Умумхалқ ҳашари

## МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРИГИ

**ҲАР йилнинг ўз изи, файз-баракаси бўлади. Бугун биз Ёшлар йилида яшаяпмиз, ўз орзу-режаларимизни, йирик давлат дастурини амалга ошириш ҳаракатидамиз. Наврўз нафаси бу саъй-ҳаракатларга алоҳида жўшқинлик бағишлаб, халқимизга хос бағрикенгликни, ўзаро ҳамжиҳатликни кенг намоён этаётир.**

Бу тонг шу жиҳатдан ҳам ўзгача. Бутун юрт – катта-кичик шаҳарлар, олис-яқин қишлоқларда ишчи-хизматчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, ўқувчилар ва талабалар, кексаю ёш ҳамма Наврўз байрами арафасида – 15 ва 16 март кунлари умумхалқ ҳашарига чиқади. Байрам шодиёналари арафасида майдонлар, хиёбонлар, кўчалар тозаланиб, тартибга келтирилади. Маҳаллаларда уй-жойларни, гузарларни ободонлаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилади. Гул, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазиш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш – умумхалқ ҳашарининг муҳим йўналиши. Халқимиз ҳашар йўли билан тераказорлар, ўрикзорлар, токзор ва мевазорлар, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ ва Бекобод сингари шаҳарларда кўркам истироҳат боғлари, хиёбонлар ташкил этишнинг бой тажрибасига эга. Шу ҳашар кунлари яна кўплаб боғроғлар барпо этилади.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгашлари, уларнинг маҳаллий бўлимлари умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказишни кўзлаб, ҳар бир шаҳар ва туман, ҳар бир қишлоқ учун аниқ-равшан режалар ишлаб чиққан. Шу асосда каттаю кичик мавзе ва маҳаллалар аҳли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда фаол қатнашади. Уларнинг чин кўнгилдан бажарган ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз баҳорий кўрк касб этади. Умумхалқ хайрия ҳашари қатнашчилари ариқларни, кўча ва йўлакларни тозалаб, ҳовли-жойларни, кўп қаватли уйлар атрофини тартибга келтириб, орасталайдилар.

Барча ташкилот ва муассасалар бир кунлик иш ҳақини «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳисоб рақамига («Ғаллабанк»нинг вилоят минтақавий филиалидаги 20212000500132942001, МФО 00987, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600) ўтказадилар.

Хайрия ҳашарида ишлаб топилган маблағларни аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, якка-ёлғиз кексалар ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга сарфлаш мўлжалланмоқда. Шу боис ҳашар кунлари халқимизнинг саховатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлари янада ёрқин намоён бўлишига шак-шубҳа йўқ.

## МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ҳамда сиёсий таълим маркази ҳамкорлигида партия фаоллари учун навбатдаги ўқув-машғулот ташкил этилди.**

Анъанага айланиб бораётган бундай йиғинларда иштирокчилар маҳаллий кенгашларнинг ташкилий тузилмалари, улар фаолиятини йўлга қўйиш, сессияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, шунингдек, ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари билан изчил ҳамкорлик қилиш борасида малака оширдилар.

Ўқув-машғулотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мутахассислари ҳам ўз маърузалари билан қатнашишди.

**Ғолиб РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## ХАЙРЛИ АМАЛЛАР

**ЙИЛБОШИ – Наврўзнинг ўлкамизга ташрифи билан жойларда миллий қадриятларимизга хос эзгу амаллар кенг қанот ёза бошлади. Бўка туманида ўтказилган «Саховат» акцияси ана шундай тадбирлар қатори катта-кичикни қувонтирган сайлга айланиб кетди.**

Туман маданият марказида уюштирилган бу тадбир санъаткорларнинг чиқишлари, ҳунармандлик маҳсулотлари ҳамда китоб савдолари кўргазмалари билан бошланди. Улуғ айём муносабати билан тумандаги кам таъминланган 150 оилага 1000 та товуқ тарқатилди. Бундан ташқари 100 га яқин хонадоннинг табиий газ ва электр энергиядан қарзлари ҳомий ташкилотлар ёрдами билан ҳисоб-китоб қилинди.

– Ҳозирги кунда туманимизда кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, – дейди туман ҳокими Неъмат Абдуллаев. – Манзилли дастур доирасида Саймоқов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида 415 ўқувчига мўлжалланган 51-мактаб биноси «Бунёдкор» кўп тармоқли фирма қурувчилари томонидан барпо этилмоқда. Ғаффор Азаматов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудидаги янги мактаб биноси эса 180 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, Ислом тараққиёти банки гранти асосида «Қашқадарё» фермерлар уюшмасида қурилаётган 23-умумтаълим мактабини мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**



СУРАТДА: «Саховат» акцияси тадбиридан лавҳа.

**Муаллиф олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳайён таклифига биноан 2008 йил 17-18 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА УНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАЛАРИ

**ТОШКЕНТДА "Соф энергия. Энергияни тежаш" мавзуида халқаро ихтисослашган кўргазма очилди. У "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, IEG Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси, Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Энергетика ва автоматика институти, Технологиялар трансфери агентлиги томонидан ташкил этилди.**

Энергия тежайдиган технологиялар, ишлаб чиқариш ускуналари, электр ва иссиқлик энергиясини ўзгартириш ҳамда тақсимлаш бўйича ўтказилаётган ушбу кўргазмада ўнта мамлакатдан 30 дан ортиқ компания иштирок этмоқда.

Кўргазма "Энергетика", "Энергияни тежаш", "Электр техника", "Қайта тикланадиган энергия манбалари", "Электр энергиясини ўзгартириш ва тўплаш", "Саноат экологияси ва хавфсизлик" деб номланган бўлимлардан иборат.

Бу ерда барча турдаги қайта тикланадиган энергия манбалари, ихчам энергетика, энергияни тўплаш ва ўзгартириш тизимлари, атроф-муҳит мониторинги тизими, узлуксиз ва сифатли энергия таъминоти тизими бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий техниканинг энг янги ютуқлари, шунингдек, маҳаллий ёқилғи турларидан энергия олиш ва қайта ишлаш ускуналари намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, бугун жаҳон энергетикасини ривожлантиришда энергия ресурсларини тежашни кучайтириш устувор йўналиш ҳисобланади. 2010 йилгача Ўзбекистонда энергетикани ривожлантириш дастурида айнан ушбу жиҳатларга алоҳида аҳамият берилган. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи энергияни тежаш сиёсатининг изчил амалга оширилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.

Айни пайтда энергия ресурслари ва энергияни тежаш, шунингдек, муқобил энергия манбалари соҳасига технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. "Кичик гидроэнергетикани ривожлантириш дастури", "2001-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси энергетикасида энергия берувчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури" қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш" (Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда), "Ўзбекистонда атроф-муҳит аҳволи мониторинги учун экологик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш", "Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва дастлабки беш йиллик ҳаракат режасини ишлаб чиқиш" каби кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Халқаро Кўргазма

Ўзбекистонда улкан салоҳиятга эга бўлган қайта тикланадиган ва янги турдаги энергия ресурсларини – қуёш ва шамол энергияси, гидроресурслар, биомасса, геотермал ресурсларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу йўналишларни ривожлантириш қайта тикланмайдиган ресурсларни (газ, нефть, кўмир) келажак авлод учун сақлаш, республикамизда экологик аҳволни яхшилаш имконини беради.

Бу борада Тошкентдаги "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти самарали фаолият юритмоқда. Ушбу корхона Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Қуёш-Физика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси физика-техника институти билан ҳамкорликда электр энергиясини олиш ва сув иситиш учун мўлжалланган фотоэлектр станцияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш ҳамда ўрнатиш билан шуғулланмоқда. Бугунги кунда "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти томонидан 15-1000 ва ундан юқори ваттли кўчма фотоэлектр станцияларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг кўпгина турларидан Ўзгидромет ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси корхоналари самарали фойдаланмоқда.

Корхона, шунингдек, биогаз қурилмаларини етказиб бериш, монтаж қилиш ва ўрнатиш билан ҳам шуғулланмоқда. Бу қурилмалар биомасса – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорвачилик, ёғочни қайта ишлаш чиқиндиларидан табиий газ ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Яна бир истиқболли йўналиш – уйлар, дала ҳовлилар, шийпонлар, тоғ тепасида жойлашган метеостанциялар ва ретрансляторларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда фойдаланиладиган шовқинсиз ишлайдиган шамол қурилмаларидир.

"Aziaelectronienergiya" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам истеъмолчиларга ишончли ва юқори сифатли маҳсулотлар – паст вольтли ва юқори вольтли электр техника ускуналари ҳамда трансформаторларни таклиф этмоқда. Ушбу маҳсулотларга нафақат Ўзбекистон, балки яқин ва узоқ хориж мамлакатларида ҳам талаб катта.

Ангрендаги "Quvvat" масъулияти чекланган жамияти маҳсулоти ҳам кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, иссиқлик манбаининг барча кўрсаткичларини юқори аниқлик билан ўлчайдиган "Summator-3" янги турдаги иссиқлик ҳисоблагичда энг янги ўлчаш ва ахборот технологияларидан фойдаланилган. Мослама ташқи энергия таъминотини талаб қилмайди, ой, кун ва соат кўрсаткичларига эга.

Кўргазмада Россия, Украина, Қозоғистон, Германия, Хитой компания ва фирмаларининг турли маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазма, шубҳасиз, янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, амалдагиларини мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлади, мамлакатимиз электр техника саноатига инвестицияларни жалб қилиш, энергия истеъмоли ҳамда уни тежаш бўйича янги тизимлар ва технологияларни жорий этишга ёрдам беради.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

**АЗАЛ-АЗАЛДАН халқимиз Наврўз байрамини бир-бирига оқибат кўрсатиш, меҳр-мурувват улашишдек хайрли ва эзгу ҳаракатлар билан бошлайди. Айни айём арафаларида вилоятимиз туман-шаҳарларида уюштирилаётган «Саховат» акциялари ўзига хос ибратли анъанага айланиб бораётгани бежиз эмас.**

## БАЙРАМ САХОВАТДАН БОШЛАНАДИ

Бундай хайрия тадбирининг навбатдагиси куни кеча Зангиота туманида бўлиб ўтди. У ўз номи билан туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ўзгалар кўмагига муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Анъанага кўра, акция доирасида 150 дан зиёд оилага ҳомийлар томонидан 1680 та товуқ, 16 та оилага қорамол тортиқ этилди. Моддий имкониятлари чекланганлиги боис коммунал тўловлардан қарздорлиги бўлган 587 хонадоннинг ҳам ҳожати чиқарилди. Бу мақсадга саховатпеша ҳомийлар 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратдилар.

Бу сафарги тадбирнинг ўзига хос яна бир аҳамиятли томони арзон нархда сифатли мол гўшти савдоси ҳам ташкил этилди. Тадбиркор ва фермерлар шу куни аҳолига 600 килограмм мол гўшти етказиб бердилар. Унинг бир қисми камхарж оилаларга бепул тарқатилди.

Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан хайр-саховатдан туманда ўсиб-улғайиб келаётган келажак давомчилари ҳам бебаҳра қолмади. Мунтазам спорт билан шуғулланиб келаётган бир гуруҳ ўсмирларга спорт кийимлари совға қилинди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

Вилоят ҳаёти

## БИЗ ҚОНУННИ ЎРГАНАМИЗ

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга тушунтириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда улар иштирокини таъминлаш, она-Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, жиноятчилик иллатини бартараф этиш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинаётир.

Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасидаги танловнинг минтақавий босқичида Ангрен шаҳри ва Қибрай туманининг «Адолат», Чиноз туманининг «Қонун» гуруҳлари ғолиб чиқиб, вилоят босқичига йўлланма олди. Кўрик-танловнинг вилоят босқичи 17 март куни Ўртачирчиқ туманидаги «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилади.

**Шоҳиста ОХУНЖОНОВА.**

## СТИПЕНДИЯ СОВРИНДОРИ

«Камолот» стипендияси» дастури ёш мутахассисларни тайёрлашда тобора салмоқли ўрин тутаётир.

Ўзбек Миллий академик театрида 2007-2008 ўқув йили танловининг совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Вилоят Давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси Азиза Жўраева «Камолот» стипендияси» танловининг ғолиби бўлди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги 8-мактабда «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури ижросига бағишланган семинар ўтказилди. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти таълим менежменти, ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчилари маърузалар билан чиқишди.

Мактаб педагогик жамоасининг ўқитувчи билан ўқувчи, раҳбар билан ходим, мактаб билан оила ўртасида дўстона муносабатларни қарор топтириш борасида орттирган бой тажрибаси кенг оммалаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

Устоз ҳақида сўз

# АМАЛИЁТ МАКТАБИ

**ёхуд туман газетаси таҳририятида яратилган маҳорат мактаби ҳаваскор қаламкашлар ва талабаларнинг етук журналист бўлиб етишишлари учун чинакам замин яратаётгани ҳақида**

«Ҳаваскор қаламкаш ҳақиқий ижодкор бўлиб етишиши учун нима зарур?» Бу саволга, аввало, ижодий муҳит деб жавоб бериш ўринли бўлади. Шундай шароит қаламкашни мудом ижод қилишга ундайди, қаламини ўткирлаштиради, янги-янги мавзулар устида ўйлашга, доимо изланишга, ўз устида муттасил ишлашга даъват этиб туради, натижада истеъдод ғунчалари гулга айланаверади.

Гап ана шу ижодий муҳитни вужудга келтиришда. Очиғи, бунинг учун ҳам алоҳида истеъдод, фидойилик керак.

Қибрай тумани «Қибрай садоси» газетаси муҳаррири Абдуҳамид Фозиловни шундай фидойи устоз сифатида ҳурмат қиламан. У таҳририятдаги фаолиятини ижодий муҳит яратишдан бошлаган. Дастлаб «Ҳаваскор қаламкашлар» клуби ва «Ёш мухбирлар» мактабини ташкил этди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёшлар газетасининг сўнгги саҳифасида «Истеъдодларни излаймиз» сарлавҳали эълонни ҳаяжон билан ўқиганмиз. Ўша пайтлари журналистика факультетида таҳсил олардик, назарий дарслар кўплиги-ю, амалиёт камлигидан нолиб юрардик.

Ёшлар газетаси таҳририятида бизни ҳаракатчан, қуюқ қошлари остидан кўзлари маъноли боқадиган киши – хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири Абдуҳамид Фозилов илиқ кутиб олди. Олтмиш чоғли ҳаваскор йигит-қизлардан ташкил топган «Ёш мухбирлар» мактабида ижодий машғулотларни бошлади. Ижод ва маҳорат сирлари – маълумотлар тўплаш, ахборот олиш, уларни қиёмига етказиб ёзиш, журналист одоби, таҳририятда ва жамоат жойида ўзини тутиш маданияти хусусидаги суҳбатларини қизиқиб тинглардик. Таҳририятдаги ижодий муҳит бизни қалам тебратишга, келгусида ҳақиқий журналист бўлиб етишишга чорларди. Устозимиз Абдуҳамид ака машғулотларга Жаббор Раззоқов, Зиёвуддин Ортиқхўжаев, Умида Абдуазимова, Мирзакарим Пирматов, Ҳамза Имомбердиев каби забардаст журналистлар, таниқли шоиру адибларни таклиф этарди. Улар бизга журналистика амалиётининг нозик қирраларини маҳорат билан ўргатишган. Ҳатто, вилоятларга хизмат сафарларига бораётганларида икки-уч тингловчини ҳам бирга олиб кетишар, сафар давомида маълумотлар олиш, ахборот тўплаш сирларидан амалий сабоқ беришарди.

Мана, йигирма йилдан ошибдики, устоз «Қибрай садоси» газетасининг бош муҳаррири. «Ёш мухбирлар» мактабига бутун республика вилоятларидан, олис шаҳару қишлоқлардан келиб туришади.

Устоз яна бир хайрли иш – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети учун алоҳида «Маҳорат мактаби» ташкил этган. Талабаларимиз газетани нашрга тайёрлаш сирларини асосан шу таҳририятда ўрганадилар. Ҳар йили «Қибрай садоси» газетасида ижодий кун сифатида амалий машғулот ўтказишимиз анъанага айланган. Ўша куни талабалар туман газетасининг битта сонини ўзлари мустақил нашрга тайёрлайдилар. Муаллифларнинг хатларини қайта ишлаш, ҳозиржавоб хабарлар, долзарб мавзуларда мақолалар ёзиш, макетлаштиришдан тортиб, босмахона билан ҳамкорлик қилишгача, барча жараёнларни Абдуҳамид аканинг ўзлари бош-қош бўлиб ўргатадилар.

Бу туман газетаси деярли ҳар йили республика журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган танловларда муваффақиятли иштирок этаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса неажаб!

Бўлғуси журналистлар устозга ҳавас қиладилар. Йиллар давомида юзлаб ёшларга журналистика амалиётини ўргатган жонкуяр мураббий Абдуҳамид Фозилов ҳамон бўлғуси журналистлар учун амалиёт ва маҳорат мактабини ривожлантириш йўлида фидойилик кўрсатмоқда. Ана шу фидойиликнинг ўзини алоҳида ибрат мактаби, десак арзийди.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг катта ўқитувчиси.**

ХХI аср ва дунё

## САБАБ ЗАХИРАДА

Сўнгги кунларда "қора олтин" баҳоси кескин ошиб бормоқда. Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода бир баррель нефть нархи рекорд кўрсаткич – 108 АҚШ долларига етди. Бу аввалги савдода қайд этилган нархдан 2,75 долларга кўпдир.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, нефть баҳосининг ошишига мамлакатда "қора олтин" маҳсулотларига талаб кун сайин ортаётгани ва стратегик нефть захираси камаяётгани каби қатор омиллар сабаб бўлмоқда.

## ЗАРГАРЛАР ХИТОЙДА

Хитойнинг Сянган шаҳрида "Заргарлик" халқаро кўргазмаси очилди. Унда элликка яқин мамлакатдан заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб икки ярим мингта йирик компания иштирок этмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, кўргазмага ўттиз мингдан зиёд одам келиши кутилмоқда. Кўргазма доирасида сайқалланган олмос ва мазкур қимматбаҳо тош хом ашёсининг кимошди савдоларини ўтказиш режалаштирилган.

## БИР ВАҚТДА ИККИ ПОРТЛАШ

Покистоннинг Лаҳор шаҳрида содир бўлган портлаш оқибатида ўттизга яқин киши ҳаётдан кўз юмди ва икки юздан зиёд одам жароҳатланди. Маҳаллий полициячиларнинг таъкидлашича, террорчилик ҳаракатлари бир вақтнинг ўзида шаҳарнинг икки туманида содир этилган. Автомобилларга ўрнатилган портловчи мосламалар аҳоли гавжум жойларда ишга туширилган. Портлаш оқибатида кўплаб биноларга зиён етган.

**ЎзА.**

# ТАЪЛИМДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР





**ПОЙТАХТИМИЗДА "Ўқув жараёнини модернизациялашда замонавий компьютер технологиялари" мавзуида республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этган семинарда юртимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларининг раҳбарлари, ахборот-коммуникация соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Семинарда Ахборот-ресурс марказларида ўқув порталларини яратиш ва электрон ўқув залларини ташкил этиш, ўқувчилар билимини баҳолаш учун яратилган дастурлар базаси, фанларни ўқитишда компьютер ва интернет тармоғи орқали дарсларни ташкил этиш каби масалалар муҳокама этилди ва бу йўналишдаги вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКДА



**РЕСПУБЛИКА Байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ҳамкорлигида турли миллатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Япониядан келган олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизнинг миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси, Фанлар академияси вице-президенти Саидаҳрор Ғуломов ва бошқалар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг тобора ортаётганида мамлакатимиздаги миллатлараро ва динлараро тотувлик, аҳиллик, бағрикенглик, ўзаро дўстлик муҳим ўрин тутаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз ижодий салоҳиятини намоён этиши доимий эътиборда турибди.

Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек истиқомат қилаётгани, уларнинг ўз миллий маданияти, анъаналари, қадриятлари, урф-одатларининг ривожланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани катта аҳамиятга молик эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир юз қирқдан ортиқ миллий-маданий марказлар қаторида дунган маданият маркази ҳам ўз ўрнига эга. Мазкур марказ тақдир тақозоси билан XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимизга келиб қолган дунган миллати вакилларининг маданияти, анъаналари, ўзига хос одатларини сақлаб қолиш, янада ривожлантириш имконини бермоқда.

– Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, одамийлиги, ушбу мўътабар заминдаги меҳр-мурувват, саховат муҳити боис шу азиз тупроқни Ватан тутдик,– дейди дунган маданият маркази раҳбари Мане Савуров. – Мамлакатимизда барча миллат ва элатларнинг миллий қадрият ва анъаналари қадр топаётгани, миллатидан қатъи назар, барчамиз шу азиз юртнинг фарзанди сифатида ўзаро аҳилликда унинг тараққиёти йўлида меҳнат қилаётганимиз таҳсинга лойиқдир.

Қозоғистондаги дунган ассоциацияси президенти Ҳусейн Дауровнинг айтишича, Ўзбекистонда аҳиллик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитининг барқарорлиги, бу ерда турли миллат вакилларининг яшаши, ўз қизиқиши бўйича касб эгаллаши, миллий урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилгани диққатга сазовордир.

Конференция якунида "Ягона осмон остида" ҳужжали фильми намойиш этилди. Миллий маданий марказларнинг бадиий жамоалари иштирокидаги концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


Туманлараро

# «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁТАЪМИНОТ»

базаси

**вилоятимиз аҳлини кириб келаётган умумхалқ байрами –**

*Наврўз шодиёнаси*

**билан чин қалбдан муборакбод этади.**
**Ҳар бирингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилаларингизга осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик, бахту саодат тилайди.**
**Миллатимиз ва мамлакатимиз номи асрлар оша мағрур жаранглаб, дунё халқларининг ҳавасини келтираверсин!**





**Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги "Горняк" ёпиқ акциядорлик жамиятидан туман захирасига қайтган жами 171,4 гектар ер майдонларидаги боғ ва токзорлар бўйича кимошди савдоларини ўтказади.**

**Савдога қуйидаги лойиҳалар қўйилади:**

| № | Лойиҳа рақами | Майдон (га) | Кўчат тури | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 5-лойиҳа | 7,2 | Олма | 36998225 |
| 2 | 7-лойиҳа | 0,8 | Терак | 9791907 |
| 3 | 8-лойиҳа | 10,7 | Ўрик, олма | 44045505 |
| 4 | 9-лойиҳа | 14,3 | Олма | 39926197 |
| 5 | 14-лойиҳа | 3,6 | Узум | 36830145 |
| 6 | 15-лойиҳа | 6,6 | Олма, нок | 25851521 |
| 7 | 16-лойиҳа | 6,1 | Олма, шафтоли | 38214480 |
| 8 | 17-лойиҳа | 7,9 | Олма, шафтоли | 37211350 |
| 9 | 20-лойиҳа | 5 | Олма | 6505380 |
| 10 | 22-лойиҳа | 17,8 | Олма | 18039443 |
| 11 | 23-лойиҳа | 11,2 | Олма | 18852030 |
| 12 | 24-лойиҳа | 13,5 | Олма | 80986200 |
| 13 | 25-лойиҳа | 15 | Олма | 91109475 |
| 14 | 26-лойиҳа | 7,7 | Ўрик | 69843587 |
| 15 | 28-лойиҳа | 7,9 | Олма | 11688000 |
| 16 | 29-лойиҳа | 5 | Олма | 41109138 |
| 17 | 30-лойиҳа | 10,4 | Олма | 47743410 |
| 18 | 31-лойиҳа | 20,7 | Олма | 89084820 |
|  | Жами: | 171,4 |  | 743830813 |

**Кимошди савдолари 2008 йилнинг 10 апрель куни соат 10.00 да туман ҳокимлиги биносида ўтказилади. Талабгор фуқаро ва тадбиркорлардан аризалар туман ҳокимлиги қошидаги деҳқон ва фермерларга ер майдонларини ажратиш комиссияси томонидан қабул қилинади.**

**Маълумот учун телефонлар: 8-370-76-21-115, 8-370-76-21-263.**



**Қурилиш ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг**

**Тошкент вилояти бўйича**

**Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси**

Шартнома асосида бинолар ва иншоотларнинг техник аҳволини уларни тиклаш ёки реконструкция қилиш мақсадида текширади ва хулосалар бериш ишларини амалга оширади.

Инспекция ҳузуридаги Қурилиш материалларини сертификатлаш идораси ва уларни синаш лабораторияси тасдиқланган аккредитация доирасига биноан қурилиш материалларини сертификатлаш ва синаш ишларини ўтказади.

Синаш лабораторияси синов ишларини бевосита қурилиш объектларида ҳам бажариш имкониятига эга.

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.**
**Телефонлар: 142-40-25, 142-02-64. Факс: 142-37-10, 142-02-43.**
**Электрон манзил: gasn.os@sarkor.uz**

Хизматлар лицензияланган.



**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига, 1. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Янгийўл шаҳар судининг 29.11.2007 йилдаги 203-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

а) "Мерседес-Бенц" русумли тягач д/р 27SN108 ва д/р 27SN109 бўлган (тиркамаси билан), 2006 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 83 125 518 сўм;** б) "Мерседес-Бенц" русумли тягач д/р 27SN112 ва д/р 27SN113 бўлган (тиркамаси билан), 2006 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 83 125 518 сўм;** в) "DAF" русумли тягач д/р 27BB480 ва д/р 27UP277 бўлган (тиркамаси билан), 2005 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 77 593 753 сўм;**

2. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 2007 йил 24 декабрдаги 8890-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Нўғайқўрғон қишлоғида жойлашган, майдони 530,70 кв.м бўлган, икки қаватли "Умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш" биноси. **Бошланғич баҳоси – 194 108 000 сўм.**

3. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 28.04.2005 йилдаги 11-0516/899-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳар, Абдуллаева кўчасида жойлашган, майдони 499,89 кв.м бўлган, Бинолар мажмуаси (трансформатор хонаси, 4та хўжалик биноси, 2та устахона, 2та бостирма, қоровулхона, буркер). **Бошланғич баҳоси – 7 200 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2008 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

**II.** Шунингдек, 2008 йил 1 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

а) ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 06.01.2004 йилдаги 51-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани "Гунафша" ХХСК омборида сақланаётган, "УАЗ-469" русумли, д/рсиз, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 578 047 сўм;**

б) ЖИБ Тошкент вилояти, Зангиота туман судининг 28.07.2004 йилдаги 175/2004-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани "Гунафша" ХХСК омборида сақланаётган, "ГАЗ-6605" русумли, д/р 10U4951 бўлган, 1978 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 682 081,6 сўм;**

в) Тошкент вилояти хўжалик судининг 26.03.2007 йилдаги 11-0719/1878-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Зангиота тумани "Сувтаъминот" ИЧБ омборида сақланаётган, "ГАЗ-5201" русумли, д/р 11AJ785 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 567 200 сўм;**

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 08.09.2004 йилдаги 11-0416/13-363-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Қибрай тумани, Салар қ.ф.й., Ибн-Сино кўчаси, 1-уйда жойлашган, 1 қаватдан иборат дўконлар: а) 4-дўкон, майдони 24,30 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 13 093 000 сўм;** б) 5-дўкон, майдони 24,30 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 13 093 000 сўм;** в) 6-дўкон, майдони 24,30 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 13 093 000 сўм.**

3. Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент туман судининг 28.12.2006 йилдаги 5925-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/х, Ҳасанбой 5-тор кўча, "Камол-Уматдош" МЧЖ омборида сақланаётган, "ГАЗ-31029" русумли, д/р 30N1344 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 850 000 сўм.**

Автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. **Манзил:** Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52.

**www.rkmb.uz**

